

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АХОЛИСИ УРТАСИДА УГЛЕВОД
АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШНИ БАХОЛАШ**

Мухамедова Вазира Мукимовна

Госпитал терапия ва эндокринология кафедраси ассистенти
АДТИ 2-курс магистрлари

Халимбеков Жасурбек Хакимбек ўгли,

Андижон Давлат Тиббиёт институти, Госпитал терапия ва
эндокринология кафедраси Ю.Отабеков кўчаси 1-уй

Матисаева Нодира Ақромжоновна

Андижон Давлат Тиббиёт институти, Госпитал терапия ва
эндокринология кафедраси Ю.Отабеков кўчаси 1-уй

Мавзунинг долзарблиги: Предиабет ҳолатларига нахорги гликемиянинг бузилиши (НГБ) ва Глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ) ҳолатлари киради. Эпидемиологик тадқиқотларга кўра, дунёда 314 миллионга яқин одамда предиабет касаллиги бор (катталар аҳолисида 8-14%). 15-20 йил ичида уларнинг сони 500 миллиондан ошиши кутилмоқда, юрак -қон томир касалликлари билан оғриган беморлар орасида КД 2-тури тарқалиши 8-14%, предиабет касаллиги 14.6-36.4%ни ташкил қилади. Аниқланишича, глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ)аниқланганидан кейинги биринчи йилда беморларнинг 5-10 фоизида ГТБ КД 2-турига ўтади, беш йилдан кейин-20-35% одамларда, ва агар НГБ,ГТБ билан бирлаштирилган бўлса, КД 2 –тури ривожланади, 5 йилдан кейин 38-65%. ГТБ мавжуд бўлганда, КД 2-тури ривожланишининг нисбий хавфи 6 баравар юқори ва умумий ўлимнинг нисбий хавфи оддий глюкоза бардошлилигига қараганда 1,48 баравар юқори. Худди шу маълумотларга кўра, НГБ бўлган одамда КД 2-тури ривожланиш хавфи оддий глюкоза бардошлилигига қараганда 4,7 баравар юқори. Популяцияда углевод алмашинуви бузилишларини аниқлаш учун бир нечта анкеталар мавжуд. Бутун дунёда кенг ишлатиладиган анкета бу FINDRISC анкетаси Европа кардиологлар ассоциацияси (ЕАС)ва Европа диabetологлар ассоциацияси (ЕАСД) тавсиясига биноан мувафакиятли қўлланиб келинмоқда. FINDRISC сўровномасида ёш, тана массаси индекси (ТВИ), бел айланаси, (БА),Сон айланаси (СА) БА/СА, жисмоний фаоллик,мева ва



сабзаботлар кунига, антигипертензив терапия. Ҳар бир жавоб маълум миқдордаги баллар бўйича баҳоланади, уларнинг йиғиндиси предиабет ва ёки 2-тур диабет хавфига тўғри келади. (мумкин бўлган максимал умумий балл – 26)

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон вилояти аҳолиси орасида углевод алмашинуви бузилишини тарқалишини аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари: Андижон вилоятининг барча туманларида углевод алмашинуви бузилишларини тарқалишини аниқлаш мақсадида скрининг текширувлари олиб борилди. Текширувда анамнезида кандли диабет бўлмаган 755та аҳоли иштирок этди. Барча иштирокчилар антропометрик текширувдан ўтдилар, шу жумладан бўйни ўлчаш, тана вазни, (ТВИ), қон босими (АД), бел ва сон айланаси, БА/СА абдоминал индекс ҳисобланди (эркакларда $OT > 94$ см, аёлларда $OT > 80$ см). Улардан FINDRISC анкетаси предиабет ва КД 2тури хавфини аниқлаш учун тўлдирилиб, нахорда қонда канд миқдори капилляр қонда глюкометр ёрдамида ўлчанди, курсатма булганлар орасида ОГТТ ўтказилди. Углевод алмашинуви бузилишини аниқлаш ЖССТ нинг 1999 йилги таснифига биноан амалга оширилди.

Хулоса: олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра углевод алмашинувини бузилиши 25,1% аҳолида аниқланди, бундан: кандли диабет 2 тури – 15,6%, нахорги гликемияни бузилиши – 7,4%, глюкозага тургунликни бузилиши 2,1%ни ташкил этди.

Аҳоли орасида углевод алмашинувини бузилишини аниқлаш мақсадида скрининг ўтказиш орқали кандли диабет, диабет олди ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларни асоратларини олдини олиш ва шулар орқали ногиронликни камайтириш имкониятини беради.

кафедраси ассистенти. Телефон: +99890-203-87-10

Калит сўзлар: Предиабет, глюкозага тургунлик, нахорги гликемия

